Партия турмуши: бошланғич партия ташкилотлари йўқламаси




# Қайта қуриш босқичида

Партия XXVII съездидан кейин ўтган қисқа вақт ичида бошланғич партия ташкилотларида коммунистлар активлиги ошди, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарликнинг сиёсий методларини ўзлаштиришга, меҳнат коллективларида, ишчилар билан ишлашга муҳим эътиборни қаратди. Туб бурилиш босқичида партия ишлари тубдан қайта қуриш, ижодкорлик, танқид ва ўз-ўзини танқид муҳитини қарор топтириш учун интилиш кучаймоқда. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг коллектив ўртасида олиб бораётган идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишлари ана шунга қаратилмоқда.

Партия комитетининг идеология комиссияси составида тўққиз киши бор. У коллективни коммунистик руҳда тарбиялаш бўйича комплекс план асосида иш олиб боряпти,

Маълумки, сиёсий-тарбиявий иш масалаларида КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми талаблари асосида конкрет ва долзарб вазифаларни белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Бирлашмада бу борада ўтказилаётган идеология планёркалари кўп жиҳатдан ёрдам беряпти.

Ҳозирги пайтда асосий эътибор давлат, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, ўн иккинчи беш йиллик ва унинг тўнғич йили учун зиммага олинган план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этиш учун коллективни сафарбар этишга қаратилмоқда.

Масалан, яқинда бўлиб ўтган планёркада бирлашманинг янгича шароитдаги ишлари таҳлил этилди. Бунда 30 дан зиёд киши иштирок этди. Биринчи кварталдаги иш якунлари атрофлича таҳлил этилди. Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, цех бўлимларининг бошлиқлари ҳали хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтиб ишлаш учун ўз ишларини қайта қуролганларича йўқ. Фақат меҳнат ва иш ҳақи бўлимигина цехлар ва бошқарма аппарати инженер-техник ходимларининг ва ишчиларнинг иш натижаларига қараб рағбатлантириш тўғрисидаги Низомни қайта ишлаб чиқди, мукофотлаш системасига ўзгартишлар киритилди. Цех ва бўлим бошлиқларининг сўзларидан шу нарса маълум бўлдики, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича резервларни излаш пухта таҳлил этилмаяпти.

Бирлашма партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми қарорлари асосида ишларни қайта қуриш мақсадида бир қатор тадбирларни белгилади. Аввало янгича шароитларга ўтиб ишлашни жадаллаштириш бўйича бўлим ва цех коммунист-раҳбарларининг зиммасига барча зарур тадбирларни кўриш топширилди. Бош инженер, бош механик, техника бўлими бошлиғи ва бошқа етакчи мутахассислар зиммасига деталлар сифатини ошириш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш таклиф этилди. Унда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш, янгича шароитларда иш олиб бориш билан боғлиқ бўлган конкрет вазифалар цех ва бўлимларнинг коммунист-раҳбарларига кенг тушунтирилди, уларга талаб оширилди.

Ҳар бир идеологик тадбирни меҳнат коллективи олдида турган конкрет вазифа билан боғлашга эътибор қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, партия ўқуви ва иқтисодий таълим шохобчаларида ташкилий ва методик ишларни такомиллаштириш, ўқишнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш бўйича олиб борилган ишларни қайд этиб ўтиш керак.

Партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми ва Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида идеология активистларининг жадаллаштириш программасини амалга ошириш, меҳнаткашлар оммасининг сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини авж олдириш, уларнинг ижодий активлигини кучайтириш, ташаббусларни кенг қўллаб-қувватлаш ва ёйиш борасидаги вазифалари очиқ-ойдин белгилаб берилган. Бирлашма партия комитети шундан келиб чиқиб, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг қудратли воситаси бўлган социалистик мусобақани кенг тус олдиришга катта аҳамият беряпти.

«Ўзгалардан нусха кўчирилган мажбуриятлар, кабинетларда ўйлаб чиқарилган ташаббуслар, муваффақият камроқ бўлса ҳам дабдабали қилиб тўқилган рапортлар ҳали ҳам оз эмас, дейилади Мурожаатномада. Кўпгина мажбуриятларни бажариш учун унчалик куч-ғайрат сарфлаш талаб қилинмайди, улар мавжуд имконият ва резервларни ҳисобга олмай қабул этилади. Мана шуларнинг ҳаммаси меҳнат беллашувини қадрсизлантиради, уни расмиятчиликка айлантириб қўяди». Хўш, нима қилмоқ керак?

Корхона партия комитети мусобақага чинакам беллашув ва жанговарлик руҳини бахш этиш, жадаллаштириш программасининг муваффақиятли амалга ошиши ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир меҳнатчининг умумий ишга ўз ҳалол ва фидокорона меҳнати билан қўшадиган ҳиссасига боғлиқ эканлигини сингдириш, яъни ҳар бир меҳнатчининг ишга муносабати жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи омили эканлигини мусобақа иштирокчиларига кенг тушунтиришга интилиб, жамоат ташкилотлари билан биргаликда мусобақанинг ошкоралигини таъминлашга ҳаракат қиляпти.

9-комсомол-ёшлар бригадаси «Болалар молларига — комсомол сифат кафолати» ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бу ерда мусобақадошларнинг ҳар бир ташаббуси ўз вақтида қўллаб-қувватланаяпти. Масалан, «Ёш ишчига — мураббий марраси» ташаббуси кенг қулоч ёймоқда. 155 малакали ишчи, улар орасида Д. Пўлатова, Л. Митрофанова, Д. Зокирова, Н. Зоҳидова ва бошқа мураббийлар 170 дан зиёд ёш ишчига оталиқ ёрдами кўрсатмоқдалар.

Коммунистларга идеологик ишларни олиб боришда талабчанлик тобора ошириляпти. Уларнинг ҳисоботлари тинглаб борилаяпти.

Партия комитети олдида кўргазмали агитация воситаларини хилма-хил қилиш, янгича анъана ва урф-одатларни жорий этиш бўйича ишларни жонлантириш вазифаси турибди. Корхона партия комитетини келгусида кенг миқёсли, мароқли ва масъулиятли ишлар кутаяпти...

Ҳ. ИКРОМОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.



КПСС аъзоси Эркин Акбаров 22 йилдан бери шаҳримиздаги «Компрессор» заводининг 11-цехида йиғувчи слесарь бўлиб ишлаб келади. Бу пешқадам ишчи жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. У Собир Раҳимов район Советининг депутати сифатида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Илғор ишчининг кўп йиллик меҳнатлари партия ҳукуматимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланди. У Меҳнат Қизил байроқ ордени билан мукофотланди.

СУРАТДА: КПСС аъзоси Эркин Акбаров.

М. Нуриддинов фотоси.

Ишчи минбари

# Мусобақа шарофати

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси бригадамиз аъзолари томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Бу тарихий ҳужжатлар чуқур ва изчил муҳокама қилинди.

«Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ресурсларни тежаш — ҳозир мусобақанинг бош мақсадларидир. Ленин сўзлари билан айтганда, «аввалгидан яхшироқ, аввалгидан арзонроқ ва аввалгидан кўпроқ» ишлаб чиқариш керак»,—дейилади КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида.

Дарҳақиқат меҳнат унумдорлигини оширмай, маҳсулот сифатини яхшиламай туриб кўзланган эзгу мақсадга эришиб бўлмайди. Буни биргина бригадамиз фаолиятидан ҳам билса бўлади. Аввало меҳнат унумдорлиги ҳақида. Очиғини айтиш керак яқин йилларгача бизда унумдорлик паст эди. Уни юқори кўтариш тўғрисида гапирилардию, бироқ амалда мақсадга эриша олмасдик. Бизда жумладан интизом масаласи оқсоқ эди. Ишчилар ўртасида ишга кечикиб келишлар ёки эрта кетиб қолиш ҳоллари тез-тез учраб турарди. Мана шунинг натижасида қанчадан-қанча қимматли вақтлар йўқотиларди. Бу эса ўз навбатида план кўрсаткичга таъсир этмай қолмасди. Ишни худди мана шу масаладан бошладик. Интизомсизларга ўт очдик. Улар умуммажлисларда, бригада йиғилишларида танқид қилинди.

Кейинги вақтларда сифат сўзи яна тез-тез тилга тушадиган бўлиб қолди. Бунинг боиси ҳам аниқ. Чунки бугунги харидорни энг аввало маҳсулот тури эмас, балки унинг сифати қизиқтиради. Ишлаб чиқарилган буюм бежирим бўлса-ю, бироқ сифати ёмон бўлса ҳеч қачон харидоргир бўлаолмайди. Шунинг учун ҳам маҳсулот сифатига алоҳида эътибор берадиган бўлдик.

Меҳнат унумдорлигининг ошиши, маҳсулот сифатининг яхшиланиши ҳаммаси мусобақа шарофатидир. Коллективимизда социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир ишчи ўзаро мусобақа боғлаган. Цех ва бригадалар ўртасида ҳам беллашув кун сайин қизиб боряпти.

Корхонада мусобақа шартлари белгилаб олинган. Шунга кўра ҳар ўн кунликда қилинган ишга якун ясалади. Илғорлар рағбатлантирилади.

Эсимда. Бундан беш йил муқаддам корхонага биринчи бор ишга келганим. Ўшанда мени дастлаб мураббий ишчи Екатерина Павлова кутиб олганди. Корхонамиз кўпгина кўрсаткичлар бўйича қолоқ эди. Дастгоҳлар эскилиги туфайли тез-тез ишдан чиқиб турар, натижада қимматли ишчи минутлари беҳуда сарфланарди.

Дастлабки вақтларда анча қийналдим. Ҳадеганда кўлим ишга келавермади. Шундай вақтларда ҳамиша менга Екатерина Павлова тасалли бериб турар ва илиқ гаплар билан кўнглимни кўтарарди. Ўшанда ишдан бўшаб кетмоқчи ҳам бўлганман. Лекин бир нарса мени корхонага боғлаб қўйганди. У ҳам бўлса устозимнинг ўта меҳрибонлиги ва жонкуярлиги эди. Шунга яраша бўлишга ҳаракат қилдим. Чидам билан ишладим. Кўп ўтмай касб сирларини пухта ўрганиб олдим.

Коллективимиз ўзига топширилган план ва мажбуриятларни ҳамиша ортиғи билан бажариб келади. Буни ўтган йил натижаларидан ҳам билса бўлади, Биз йиллик топшириқни муддатидан икки ой илгари адо этган эдик. Коллективнинг қўлга киритган бу ютуғида қисман бўлсада, менинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман. Цехимизнинг Ж. Ибрагимова, П. Алланазарова ва Н. Трухина сингари ишчилари коллективга ибрат кўрсатишди. Улар смена нормаларини бир ярим ҳиссадан орттириб адо этдилар.

Мен ўзим ўн иккинчи беш йилликда катта режаларни кўзлаб меҳнат қиляпман. Ҳозирда меҳнат календаримда беш йилликнинг иккинчи йили апрель ойи бошланган. Меҳнатим самараси фақат кўрсаткичлар билан ўлчанмаслигини ҳамиша дилдан ҳис этаман. Шунинг учун ҳам асосий эътиборни сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратганман. Мусобақадошларим Н. Маннопова ва Н. Султоновалар ҳам мен билан ёнма-ён меҳнат қилишаяпти. Улар ҳам вақтдан ўзиб ишлаган ҳолда самарали натижаларни қўлга киритишмоқда.

Ҳозир пландаги олти ўрнига саккиз дастгоҳни бошқаряпман. Кунлик топшириқда белгиланган 240 метр ўрнига 400 метрдан ошириб лента тўқишга эришяпман. Шогирдларим Н. Мираҳмедова, Л. Содиқовалар ҳам мендан қолишмаяптилар.

Цехимизда 40 дан ортиқ тўқувчилар меҳнат қилишади. Уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Мураббий ишчилар ҳамиша уларга бош-қош. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига алоҳида эътибор беради. Шунинг учун ҳам «Сифат—бош мезон» шиори бизнинг асосий шиоримиз ҳисобланади.

Шу кунларда коллективимиз Улуғ Октябрнинг 69 йиллиги шарафига бошланган мусобақани тобора авж олдириб меҳнат қилмоқда. Мақсадимиз йиллик план топшириқни ҳам муддатидан илгари адо этиб, байрамни ёруғ юз билан кутиб олишдир.

**Н. АЪЗАМОВА,**

**«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг йигирув цехи ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.**



Сиз суратда кўриб турган Гулбаҳор Ҳожимуротова шаҳримиздаги ипак йигирув фабрикасининг пешқадам ишчиларидан бири саналади. Коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга сазовор бўлган ишчи смена топшириқларини ҳамиша ортиғи билан бажармоқда. Шу кунларда у Улуғ Октябрнинг 69 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этмоқда.

Т. Каримов фотоси.

Ранжитган бўлсак узр...

# Шу ҳам хизматми?

Юқоридаги рубрика газетамизда яна пайдо бўлганидан ажабланманг. Тўғри, у узоқ муддат кўзга кўринмади. Сабаби танқид қилишга факт йўқлиги эмас, балки... Ҳамма гап мана шу «балки»га келиб тақалгандан кейин бизнинг шаҳримиздаги айрим хизмат соҳаларида мавжуд ва ҳозир ҳам йўл қўйилаётган камчиликларга ўз муносабатимизни билдиришдан бошқа иложимиз қолмади. Сўзимизни тўрт боланинг онаси Н. Умарованинг редакцияга йўллаган хатидан бошласак фикримиз ойдинлашади:

**«Мен шу йилнинг 7 апрелида Юнусобод массивининг 18-кварталида жойлашган ягона сартарошхонага қизчамнинг сочини олдиргани бордим. Сартарошхонада Смирнова деган мастер бир аёлнинг сочини тўғрилар, Ахметова деган иккинчиси эса у билан гаплашиб ўтирар эди. Мен Ахметовага «Қизимнинг шундайгина сочининг олдини тўғрилаб қўйинг», десам «Мен тўғрилолмайман, ҳозир эркаклар салонидаги йигитча келади, ўшанга айтинг» деди. Мен ярим соатча кутдим. Смирнова ҳам ишини тугатиб кетишга чоғлана бошлади. Мен унга уйда ёш болам касаллигини айтиб илтимос қилдим. Ахметова бўлса «навбатга туринг», деди. Унинг гапи тўғри, бироқ Смирнованинг сўзи менга ёмон таъсир қилди: «Боланг касал бўлса уйда ўтир». Хуллас...»**

Бу томони воқеалар ривожи тезлашади. 18-кварталда жойлашган ягона сартарошхонанинг иккала мастери манманлик ва ноинсофликнинг олий «намунаси»ни намойиш қилишади, Қизчасининг сочини олдиролмай хуноб бўлган она шикоят дафтарини сўраганида уни ўртага олиб мазах қилишади, қизча билан онанинг устидан мириқиб кулишади. Кейин **«эркаклар салонидаги йигитча»** келади, у қизчани креслога ўтқизиб сочини текисламоқчи бўлади, бироқ текисламайди. Сабаби, **«мудир олмагин деса, мен қандай оламан»**, дейди. Қисқаси ўша куни қизчанинг сочи текисланмай қолади, «сартарошлар» эса бир аёлнинг кўнглини вайрон қилиб, қувиб юборгандай уни сартарошхонадан чиқариб юборишади. Бор гап шу. **«Хизмат маданиятини оширайлик, ҳалол бўлайлик, виждонан ишлайлик» деган сўзлар қаёқда қолди! Сартарошларнинг масъулияти-ю инсонийлиги қани! Шу ўринда бизнинг яккаю ягона хулосамиз бор: Бу сартарошлар ҳам давлат мулкини ўмарган, порахўрлик қилган кимсалардек жазоланиши керак.**

Шота Руставели кўчасида жойлашган кир қабул қилиш комбинатига қарашли 4-қабул пунктидагиларнинг иши ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Улар баъзан ҳатто ширинсуханлик ҳам қилишади. Бироқ, бажарадиган ишлари ўлда-жўлда бўлса, мижозлар ранжиса бу «ширинсуханлик» таъбни тирриқ қилишдан бошқага ярамайди. Улуғ Ватан урушининг III группа инвалиди, меҳнат ветерани А. Орифжонов шу йилнинг 20 апрелида бу ерга кийимларини топширганда редакцияга хат ёзаман деб, хаёлига ҳам келтирмаганди. Унга «424259» номерли квитанцияни бера туриб, **«Ўн кундан кейин тайёр бўлади»** дейишди. Орадан салкам икки ой вақт ўтибдики, ҳали у кийимларни олган эмас. Қабул пунктига қатнайвериб ветераннинг асаби ҳам, оёқлари ҳам толиқди. Қабул пунктидагилар киноя санъатидан ҳам хабардорлар шекилли, у ҳар гал келганида **«Ички кийимни олгани келдингизми»** деб кулиб қўйишади.

21-алоқа бўлимининг Бешёғоч кўчаси истиқоматчиларига хизмат кўрсатадиган почтальонининг ўз ишига ўта масъулиятсизлигини қандай изоҳлаш мумкин? У шу кўчадаги Бош кўприк тупиги, 7-«а» уйда истиқомат қилган Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Е. Каримов (ҳозир марҳум)нинг март ойи пенсиясини уйга олиб келиб, бермасдан кетган. Пенсионер отахон паспортини олиб чиққунча почтальон кетиб қолган. Уч кундан кейин, яъни 13 апрелда Ё. Каримов вафот этган. Унинг март ойи пенсия пули эса ҳалигача берилмаган.

Октябрь райпишчеторгининг мева-сабзавотлар ярмаркасида жойлашган 29-магазинида, «Главташкентстрой»нинг 2/4-Қорақамиш массивида жойлашган 26-ишчилар ётоқхонасининг ошхона-буфетида харидорларга қилинаётган муомалани ифодалашга сўз топиш қийин. Оддий инсоний муомала бўлмаган жойда эса ишни яхшилаш мумкинми ёки мумкинмаслигини ўзингиз бир ўйлаб кўринг энди.

**«Хуллас, иш шундай йўлга қўйилиши кераки, ҳар қандай шароитларда ҳам аҳоли турмушда ноқулайликни сезмасин...»** КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида алоҳида таъкидланган бу сўзлар замирида қанчадан қанча маъно бор! Бироқ ўз ишига панжа орасидан қараётганлар, ҳалоллик ва масъулиятни унутиб, очиқдан-очиқ ноинсофлик қилаётган, аҳолини ранжитаётган хизматчилар ана шу сўзлар моҳияти устида яхшилаб бош қотириб, қаерда меҳнат қилаётганликлари, масъулият ва инсонийликни бир эсга келтирсалар ёмон бўлмасди.

**ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ ВА ТРАНСПОРТ БЎЛИМИ.**

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

# «БЕКАТЛАР ЎЛДА-ЖЎЛДА»

Газетанинг шу йил 15 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола берилган эди. «Главташпассавтотранс» бошқармасидан қуйидаги жавоб олинди.

**Жавобда айтилишича, мақола шаҳардаги барча турдаги транспорт ишини координация қилиш бошқармаси билан биргаликда кўриб чиқилди. 72-«э», 92-«э», 97-маршрутдаги автобусларни Аҳмад Дониш кўчасидан, Юнусобод орқали ҳалқа йўлигача, 16-кварталгача узайтириш масаласи кўриб чиқилди. Келгусида автобуслар газетхонлар истагига кўра 18 уй атрофидан айланиб қайтиши режалаштирилди. Бу ерда транспортларнинг айланиши учун бекатлар қурилади.**

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

## Расмий ҳужжат сифатида тарқатилди

● НЬЮ-ЙОРК. СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзенинг Ўрта Денгиз районида хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласи юзасидан шу йил 8 июлда БМТ Бош секретари Х. Перес Де Куэльярга йўллаган мактуби тексти БМТ Бош ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотида тарқатилди.

# Жаҳон шаҳарларида

⊙ ПРАГА.

Жаҳон касаба союзлари федерацияси Корея Халқ Демократик Республикасининг Корея ярим оролини ядро қуролидан ҳоли зона деб эълон қилиш ҳақидаги таклифини табриклайди. Федерациянинг Прагада тарқатилган баёнотида шу ҳақда гапирилади. Баёнотда барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари Жанубий Кореядан ядро қуроллари олиб чиқиб кетилиши ҳамда у ердаги мавжуд ядро қуроллари базаларини тугатиш учун Корея халқи олиб бораётган курашни қўллаб-қувватлашларини ва бу курашда улар билан бирдамликларини изҳор этишга чақирди. Корея ярим оролини ядросиз зонага айлантириш Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини вужудга келтиришга қўшилган катта ҳисса бўлур эди, деб таъкидланади жаҳон касаба союзлари федерацияси баёнотида.

⊙ АФИНА.

Греция ҳукумати АҚШнинг ана шу мамлакат территориясидаги Америка ядро қуролларини жойлаштириш учун мўлжалланган омборларни модернизация қилишга рухсат этиш ҳақидаги илтимосини рад қилди. Греция ҳукуматининг расмий вакили Мильтиадис Папаиоаннунинг маълум қилишича, Афинанинг Греция заминини ядро қуролларидан тўла-тўкис тозалаш истаги муносабати билан ана шундай қарор қабул қилинган. «Грецияда ядро қуроллари сони ҳозирнинг ўзидаёқ кескин камайди». — деди Греция ҳукуматининг вакили. У қолган жанговар каллаклар «Оператив шай ҳолатда эмас» деб айтди.

✦ КОБУЛ

Афғонистоннинг Фарёб ва Лохар вилоятларидаги ерли ва ерсиз деҳқонлардан яна олтмиш киши мамлакатда ўтказилаётган ер-сув ислоҳоти реформаси доирасида давлатдан текинга ер участкалари олди. Деҳқонларни қишлоқ хўжалик кооперативларига бирлаштириш жараёни муваффақиятли ўтмоқда. Фарёб вилоятида аксилинқилобчи тўдалар ҳаракатидан жабр кўрган кооперативлардан 29 тасининг фаолияти тикланди. Ҳозирги вақтда 5600 дан зиёд деҳқон кооператив аъзосидир. Улар давлатдан уруғлик, ўғит, асбобларни ўз вақтида ёрдам сифатида олмоқдалар. Ўтган йилдаги каби, қурғоқчилик юз берган тақдирда, давлат томонидан берилган озиқ-овқат ва энг зарур товарлар кооператив аъзолари ўртасида текинга тарқатилади.

✦ ЛОНДОН

Замбия президенти Кеннет Каунда Буюк Британия ҳукуматини Жанубий Африка Республикасидаги апартеид системасини йўқ қилиш учун таъсирчан чораларни кўришни хоҳламасликда ҳамда Претория режимига қарши жазо чоралари масаласида тўғаноқ қўйиш тактикасидан фойдаланишда айблади. Каунда Англиянинг Ай-Ти-Ви телекомпанияси саволларига жавоб қайтариб, агар Тэтчер ҳукумати апартеид режимига қарши жазо чораларини қўлланиш юзасидан конкрет ҳаракат қилмаган тақдирда мамлакатни идора қилаётган Бирлашган миллий мустақиллик партияси марказий комитетига Замбиянинг Буюк Британия бошчилик қилаётган ҳамдўстликдан чиқиши ҳақида қарор қабул қилишни тавсия этажагини айтди.

⊙ НЬЮ-ЙОРК.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Президенти Ромеш Чандра Совет Иттифоқининг тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган куч-ғайратларини юксак баҳолади. «Пиплз Дейли Уорлд» газетаси саволларига берган жавобида у «шу йилнинг январида олға сурилган ҳамда 2000 йилга қадар ҳар қандай ядро қуролларини тугатишга қаратилган совет таклифлари барча мамлакатлардаги урушга қарши курашувчиларнинг орзу-умидлари ва талабларига тўла мос бўлиб тушади» деб таъкидлади. СССР ядро қуролларини кўпайтирмасликни таклиф этди, у ҳар қандай ядро синовларини ўз ихтиёри билан тўхтатиб туриш муддатларини бир неча бор узайтирди, бироқ Қўшма Штатлар бунга қўшилишдан бош тортди. Жаҳон Тинчлик Кенгаши Президентининг гапларига қараганда, шунга қарамай шу йилнинг охирига қадар ядро синовларини тўхтатишга эришиш учун, БМТ эълон қилган халқаро Тинчлик йили ядро синовларидан воз кечиш йили бўлиб қолиши учун ҳали имконият бор.

## Болгария



**Пойтахтдаги 8 Март номли тўқимачилик фабрикаси соҳанинг энг яхши корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳар куни 180 минг метрдан ортиқ сидирға рангли ва гулдор газламалар ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг анчагина қисми экспортга чиқариляпти.**

**Ҳозирда фабрикада «СССР учун маҳсулотлар — ишчи кафолотида» шиори остида социалистик мусобақа кенг қулоч ёзмоқда. Совет Иттифоқи буюртмаларини бажариш энг яхши тўқувчилар зиммасига тушган. Улардан бири Болгария Халқ Республикасининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Боянка Страхилова (суратда). Фабрика техника назорати бўлими қатор йиллардан буён рекламация олмаётир. Корхона рассомлари яратган газламалар коллекцияси экспорт кенгашининг аъло баҳосига сазовор бўлмоқда.**

**БТА—ТАСС.**

КАЛЕЙДОСКОП

### «ҲАЙРИЯТ, ТИРИК ЭКАНМАН»

**Ғарбий Германия полицияси намойишчилардан қаттиқ ўч олмоқда. Улар нафақат намойишчилардан эмас, балки бошқаларни ҳам жазолашяпти. Масалан, Вальтер Хассельбрингнинг гувоҳлик беришича, тўқнашув бўлган райондан ўз машинасида ўтиб бораётганида қуйидаги воқеа рўй берди: «Мен машинада ўтирардим. Йўл эса беркитилган эди. Олдимда оқ шлём кийган полициячилар кўринди. Улар таёқчалар билан одамларни уришар, машина ойналарини синдиришарди. Мен қочиш кераклигини тушундим. Бирдан қаттиқ зарбани сездим. «Дод» деб юбордим. «Мен ҳеч нарса қилганим йўқ-ку!» Аммо мени савалаб кетишди. Даҳшатли зарбалардан сўнг бошим айланиб, кўзим тинди. Икки полициячи мени полиция автобусига судраб чиқишди. Юз-кўзим, кийимларим қонга бўялган бўлсада, калламда биргина фикр чарх урарди:— «Ҳайрият тирик эканман, ўлдиришмабди...»**

**Бу ҳақда «Штерн» журнали ана шундай ҳикоя қилган.**

